



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ






***Истиқлол йилларида эришилган ютуқларга таяниб,***
***Истиқлол йилларида эришилган ютуқларга таяниб,***
***миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз.***

***Шавкат Мирзиёев***

# МУСТАҚИЛЛИК ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ




Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма саккиз йиллигини баланд рух ва шоду хуррамлик билан нишонламокда.

Мустақиллик, ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам.



# МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ, МУСТАҚИЛЛИК – БУРЧ!



Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш – бу ўз такдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.







# Мустақиллик

- ўзаро ҳурмат, бир-бирларини қадрлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради
- ҳар бир халқнинг, миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўл очади
- бизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаровий жамият барпо этишга, халқимиз салоҳиятини мустаҳкамлашга, юртимиз шон-шуҳратини дунёга ёйишга даъват этади
- халқимизнинг иродаси, ўзбек миллатининг ҳақ-ҳуқуқини, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ва қўшаётган бетакрор ҳиссасини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши воситаси

# МУСТАҚИЛЛИК БУ:

1. ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАСЛИК;

2.МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗНИ, УЗОҚ ВА ДАВОМЛИ МАҚСАДЛАРИМИЗНИ КЎЗЛАШ;

3. ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР СУРЪАТЛАР БИЛАН ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ;

4. АҲОЛИМИЗНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ;

5.ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ МУНОСИБ ДАРАЖАГА КЎТАРИШ;

6.ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТИШ;

7.БИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИШЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА ҚУРБИ-ҚУДРАТИ ЕТАДИГАН ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ;

8.ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАСДАН ҲАЁТГА КИРИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ;

9. ЕТУК, БАРКАМОЛ ВА

10.МУСТАҚИЛ ФИКРЛАЙДИГАН ЯНГИ АВЛОДНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ



# МУСТАҚИЛЛИК – ТОҒДЕК АСОС



**Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма саккиз йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар – миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинмиди?**

**Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.**

**Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустаҳкам асос ва қудратли замин бўлди.**

**КЕЧА КИМ ЭДИГУ**

**БУГУН КИМ БЎЛДИК?**

**КЕЧА** Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.










Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

**Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганинининг тасдиғини англаш учун охирги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламиз.**

# МАҚСАДИМИЗ:









Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.



# БУГУННИНГ ВАЗИФАЛАРИ





Бугун биз бошимиздан кечираётган **нотинч ва таҳликали замонда** турли минтақаларда, ён-атрофимизда **қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар** тобора кучайиб бораётганини **кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволик**ка йўл қўймасдан, **ҳушёрлик ва уйғоқлик** билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.





Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.















**Халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган**

**“БИЗГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК”**

**деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.**











МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ
АБАДИЙ БЎЛСИН!









**Мана шу унутилмас дамларда кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидоийлик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга беқиёс ҳурматимни билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.**

**И.Каримов**










# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА МУҲИМ ДАСТУР




# 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

- **I. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш**

  (**Мовий ҳаворанг** – осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темур давлати байроғининг ранги)

- **II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш**

  (**Сиёҳранг**– қонунийлик элементлари ҳисобланган устуворлик ва ор-номуслилик рамзи)

- **III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш**

  (**Тилларанг** – иқтисодиётни ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч-қудрат ва бойлик рамзи,)

- **IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш**

  (**Қизил ранг** – ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи)

- **V. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат**

  (**Оқ ранг** – тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи)

# Ҳаракатлар стратегиясида

2017–2021 йилларда умумий қиймати **40 миллиард АҚШ доллари** миқдоридаги **649 та инвестиция** лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилган.

Натижада

- ушбу йилларда саноат маҳсулотларини **ишлаб чиқариш 1,5 баравар**
- унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **33,6 фоиздан 36 фоизгача**
- қайта ишлаш тармоғи улуши **80 дан 85 фоизгача** ошади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонида умумий қиймати **16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига** тенг лойиҳалар амалга оширилмоқда.

# 28 ЙИЛ МОБАЙНИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ЎЗБЕКИСТОН НИМАЛАРГА ЭРИШДИ?

1

- – Совет мустабид тузуми даврида Ўзбекистон ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган, мустабид, қарам мамлакат эди. Бугун биз озод, эркин, демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар мамлакатга айландик;

2

- 28 йил аввал мамлакатимиз жар ёқасига келиб қолган, иқтисодиёти инқирозга учраган, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлигига асосланган давлат эди. Бугун эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, ривожланиб бораётган саноат индустриясига эга, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари чиқариб, жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакат;

3

- бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда ижтимоий тараққиётга оид тинчликсевар ташаббуслари билан тобора эътиборга сазовор бўлиб бораётган, ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга мамлакат сифатида ўз бўй-бастимизни намоён этмоқдамиз;

4

- Бугун ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига эга, мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштириб бораётган, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига айланаётган мустақил давлатмиз.

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.









# 2019-йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар

**“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” дастурлари**

**2019-йилда ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу 2016-йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.**

**2019-йилда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 млрд АҚШ долларини ташкил этди.**

**Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23млрд АҚШ долларилик 456 та лойиҳа амалга оширилмокда.**









# “Обод қишлоқ” дастури


















# “Обод маҳалла” дастури



# “Ҳар бир оила – тадбиркор”






# 2019-йил 15-март куни Тошкент шаҳрида “Ҳумо Арена” кўп тармоқли муз саройи тантанали равишда очилди



Бугунги кунда спортнинг бокс, дзюдо, эркин кураш, бадиий гимнастика, шахмат ва бошқа турлари бўйича ўзбек мактаблари бутун дунёга маълум ва машҳур. Ватанимиз спортчилари фигурали учиш, хоккей, тоғ чанғиси, фристайл, сноуборд каби энг томошабоп қишки спорт турларида ҳам муносиб иштирок этишмоқда.












Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масаладир. Такрор айтаман, тинчлик ва соғлиқни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз.

Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-кувватлаш, албатта, устувор вазифамизбўлиб қолади.

***Шавкат Мирзиёев***












Халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар тобора кучайиб бораётгани ҳисобга олиниб, янги Мудофаа докторинаси қабул қилинди.

Қуролли Кучлар таркибидаги барча қўшин турларининг тузилма ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида, барча ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.











# БУГУНГИ ЁШЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

# СУЯНЧИМИЗ ВА ТАЯНЧИМИЗ





# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ







# МАРД ВА ШИЖОАТЛИ














# ИЛМУ ФАН ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЭГАЛЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН



















# Халқ таълими тизимида амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисида

“Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатга айланиши зарур”.









## “Ўзбекистонда нг обрўли инсон – Муаллим  бўлиши, бутун жамият шунга  эътиборини  қаратиши  керак”

“Ҳурматли муаллимларимиз, жонкуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи деб биламиз. Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан буён ҳам маблағни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдириі, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири муҳтарам  муаллимларга боғлиқ”.





11 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтилди ва иқтидорли мактаб битирувчиларини таълим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, улар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда ўқувчилар билимини рағбатлантириш мақсадида **олтин ва кумуш медаллар** жорий этилди.



















- Ma'lumotlar uchta tilda bosma chiqartirilmoqda
- QR-kod orqali o'quvchi to'g'risida umumiy ma'lumotni olish imkoniyati yaratildi
- Shahodatnomalarni berishda inson omili kamaytirildi

- ✓ Шаҳодатнома ва аттестатлар бериш такомиллаштирилди.
- ✓ Мактабларни кенг полосали интернет тармоғига улаш бошланди.
- ✓ Нодавлат таълим муассасалари сони 4 баробарга ортди.
- ✓ Таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жадаллашди.



Maktablarni boshqarish jarayonining shaffofligini ta'minlash maqsadida **stat.uzedu.uz** hamda **xt.uzedu.uz** elektron portallari ishga tushirildi



O'quvchilar, o'qituvchilar, maktablarning elektron ma'lumotlar bazasini yaratish maqsadida **"OpenEMIS"** axborot tizimi **emis.uzedu.uz** domenida ishga tushirildi

Kundalik

**53 ta maktablarida** "Kundalik" axborot tizimi joriy etildi

Khan Academy

Khan Academy Xalqaro ta'lim platformasini mahalliylashtirish loyihasi ishga tushirildi

Maktablarga biriktirilgan mikrohududlarni geoaxborot tizimi orqali ko'rish uchun **gis.uzedu.uz**, xalq ta'limi tizimida bo'sh ish o'rinlari ko'rish va murojaat qilish uchun **ish.uzedu.uz** portallari yaratildi

# Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди

Ўзбекистон Республикасининг 2030-йилга келиб PISA (The Programme for international Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакат қаторига киришига эришиш;

узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш.









# Президент мактаблари

2019-йилда Тошкент ва Нукус шаҳрида, Хоразм ва Наманган вилоятида “Президент мактаблари” фаолияти бошланди.

2020-йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, шунингдек, 2021-йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида Президент мактаблари ташкил этилади.




Prezident maktablari butun xalq ta’limi tizimi uchun **lokomotiv** rolini bajaradi

Ta’lim sohasi uchun yangi metodika va yondashuvlar Prezident maktablarining tajribasiga asoslanadi

STEAM (aniq fanlar, texnologiya, injiniring, dizayn va matematika) yo‘nalishidagi fanlarni o‘qitish

# Ижод мактаблари




- Қарши шаҳрида;
- Жиззах шаҳрида;
- Андижон шаҳрида;
- Наманган шаҳрида;
- Нукус шаҳрида;
- Марғилон шаҳрида;
- Хива шаҳрида;
- Гулистон шаҳрида.

# “Замонавий мактаб” дастури

Мазкур дастурга кўра таълим муассасаларини замонавий лойиҳалар асосида қуриш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва техник талабларини такомиллаштириш, умумий ўрта таълим мактабларининг энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий техник базаси билан таъминлаш стандартларини шакллантириш режалаштирилган.













# Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш



Birinchi tashabbus-yoshlar musiqa, rassomlik, teatr va san’atning boshqa turlariga qiziqishini oshirish, o‘z qobiliyatlarini namoyon qilishiga ko‘maklashish

---

Madaniyat va san’at muassasalarida badiiy havaskorlik jamoalari, yoshlar klublari faoliyatini yo‘lga qo‘yish

Yoshlarning qiziqishlaridan kelib chiqib 1,5 mingta to‘garak, musiqa va san’at maktablarida yangi sinflar tashkil etish



















PREZIDENT SOVG'ASI
PREZIDEN SOVG'ASI




RONALDO
7
Ikkinchi tashabbus- yoshlarni jismoniy chiniqtirish, sport bilan shug'ullanishlari uchun zarur sharoitlar yaratish
14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan yoshlarning kamida 30 foizini jismoniy tarbiya va sportga jalb etish
Sport majmualaridan foydalanish qamrovini oshirish, olis qishloqlarda yengil konstruksiyali kichik sport zallari va sun'iy qoplamali maydonlar qurish




Uchinchi tashabbus-aholi va yoshlar o'rtasida **kompyuter texnologiyalari va internet**dan samarali foydalanishni tashkil etishga qaratilgan













O'zbekiston Respublikasining ta'lim to'g'risidagi QONUNI
O'zbekiston Respublikasi Kadrlar tayyorla


O'zbekiston Respublikasining ta'lim to'g'risidagi QONUNI
O'zbekiston Respublikasi Kadrlar tayyorlash milliy dasturi


ENGLISH


To‘rtinchi tashabbus- yoshlar ma’naviyatini yuksaltirish, ular o‘rtasida kitobxonlikni keng targ‘ib qilish
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va har bir viloyatga 1 million nusxadan kam bo‘lmagan miqdorda badiiy, ma’rifiy, ommabop kitoblar yetkazib berish
Mahalla idoralari, maktablar, harbiy qismlar va boshqa tashkilotlarda kutubxonalar tashkil etish




Beshinch tashabbus- xotin qizlarni ish bilan ta'minlash uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratish
Bo'sh turgan binolarda tikuv-trikotaj korxonalari tashkil etish, yengil konstruksiyalardan kichik tsexlar qurish
Kasb-hunar kollejlarida tikuv-trikotaj ixtisosligi bo'yicha o'quv kurslari tashkil etish, xotin-qizlarni kasbga tayyorlash







Prezident tashabbusi bilan Hukumat rahbarlari, deputatlar, vazirlik, idora, tashkilot va muassasalar rahbarlari tomonidan o‘zlari o‘qigan ta’lim muassasalariga **"Kitob hadyasi - Book challenge"** aksiyasida **maktablarga 500 mingdan ortiq** kitoblar sovg‘a qilindi



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – **А.Арипов**



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири – **Ш.Шерматов**



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори - **К.Алламжонов**



Мустақиллик йилларида Республикамизнинг барча жойларида шаҳар ва қишлоқларида, турли соҳаларда кўп ишлар қилинди. Ҳар жиҳатдан ўзини англаётган миллат улуғ бунёдкорликлар қилишга киришиб кетди. Ўтган 28 йил ичида Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгарди. Нафақат кўчалар ва хиёбонлар, бу даврда жамият ва одамлар ҳам ўзгариб, юртдошларимиз эркин фикрлай бошладилар. Ҳар кимнинг ўз вазифасига нисбатан масъулияти ҳам ортди. Шу билан бирга ёшларда Ватанга садоқат ҳисси кучайди. Инсон учун озодликдан қадрли неъмат йўқ.










**Дунёдаги жамики бунёдкорлик ва яратувчанликнинг асоси – озодликдир. Тарихан қисқа бир даврда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.**



Истиқлол туфайли ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Ҳуррият берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз – эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.













**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!**

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!